

**JANUARY-JULY**



**МЕЖДУНАРОДНАЯ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКАЯ КОНФЕРЕНЦИЯ**

**СОВРЕМЕННЫЕ НАУЧНЫЕ  
РЕШЕНИЯ АКТУАЛЬНЫХ ПРОБЛЕМ**

**2022**

**ROSTOV-ON-DON , RUSSIA**

Conference proceedings available  
at [virtualconference.press](http://virtualconference.press)



## **Editorial board/Редакционная коллегия**

### **Главный редактор**

**Кирилл Долгополов** Северо-Кавказский Федеральный университет

Долгополов Кирилл Андреевич, кандидат юридических наук, доцент, заведующий кафедрой уголовного права и процесса Северо-Кавказский федеральный университет

Узденов Расул Магомедович, кандидат юридических наук, доцент, доцент кафедры уголовного права и процесса СКФУ

Пржиленский Игорь Владимирович, кандидат социологических наук, доцент кафедры уголовного права и процесса СКФУ

Токмаков Дмитрий Сергеевич страший преподаватель кафедры уголовного права и процесса СКФУ

Международная научно-практическая конференция Современные научные решения актуальных проблем. Сборник тезисов научно-практической конференции г. Ростов-на-Дону 2022 г. (Типография Аспект)

<https://orcid.org/0000-0001-6156-3630>

DOI <https://doi.org/10.5281/zenodo.6544077>

©Коллектив авторов

©virtualconferences. press

## **Душанбе шаҳридаги айрим сув ҳавзаларининг планктон алгофлораси**

**Назиров Сирожиддин Назирович**

Мустақил изланувчи,

**Бахриев Ибрагим Исомадинович**

т.ф.н., доцент

Тошкент тиббиёт академияси

[Ibragim.bakhriev@mail.ru](mailto:Ibragim.bakhriev@mail.ru)

Суд-тиббий экспертиза амалиётида кўпинча сув ҳавзасидан чиқариб олинган мурдани текшириш зарурати пайдо бўлади. Бундай ҳолларда суриштирув органлари ёки прокуратура ходими томонидан экспертиза олдига ҳал этилиши учун тананинг сувга ҳаётлик вақтида ёхуд вафотидан сўнг тушганлигини аниқлаш вазифаси қўйилади.

Ушбу муаммони ҳал қилишда ички аъзоларда планктонни аниқлаш усулидан фойдаланиш мумкин. Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, ушбу бобда чўкиш вақти ва жойини аниқлашда планктоннинг морфологик ва микробиологик ўзгаришларининг суд-тиббий хусусиятлари ўрганилади.

Айрим ҳолларда сув ҳавзаларидаги диатомларнинг хилма-хиллиги нафақат чўкиш жойи ҳақида балки (сув ҳавзасининг маълумот базаси мавжуд бўлса) ўлим содир бўлган вақтни ҳам тахмин қилиш имконини беради.

Шу сабабли биз тадқиқотимизнинг дастлабки босқичида чўкиш ҳолатлари тез-тез содир бўладиган Душанбе шаҳрининг асосий сув ҳавзаларининг альгологик таркибини аниқлашга қарор қилдик. Қуйидаги Душанбинка, Варзоб, Элок, Кофарнихон, Лучоб ва Такоб сув манбалари тадқиқот объекти сифатида қабул қилинди.

Сув намуналарини ўрганиш йил давомида январь-февраль апрель-май, июль-август ва октябрь-ноябрь ойларида амалга оширилди. Биз диатом планктонининг мавжудлиги ва миқдорини умумий қабул қилинган усул бўйича текширдик. Диатомларнинг миқдорини аниқлашдан ташқари, биз уларнинг морфологик тузилишини ҳам ўргандик.

Диатомлар якка ёки колония ҳолида яшайдиган бир хужайрали микроскопик организмлар бўлиб, иплар, ленталар, занжирлар, юлдузлар, буталар ва шаклсиз плёнкалар шаклида намоён бўлади. Диатом

хужайраларининг ўлчамлари 4 дан 2000 микронгача бўлса, диатом колониялари ўлчами микроскопик ўлчамлардан ўнлаб сантиметргача бўлиши мумкин.

Тадқиқотларимиз шуни кўрсатдики, биз ўрганган сув ҳавзалари учун диатом планктонларидан *Gyrosigma*, *Melosira*, *Tabillaria*, *Surilla*, *Cymbella*, *Pinullaria* ва *Naviculla* турлари аниқланди. Биз Душанбе сув ҳавзаларида нисбатан тез-тез ва доимий равишда учраб турадиган диатомларнинг типик шакллари кўрсатдик.

Шуни таъкидлаш керакки, мазкур организмлар турли хил экологик омиллар, шунингдек, сув ҳавзаларидаги сув таркибидаги кимёвий ўзгаришлар туфайли ўзгариб туради. Хусусан, вегетация даврида (баҳор-ёз даври) диатомлар қобиғида кўшимча шаклланишлар - қуйма ҳалқа ва септалар пайдо бўлади. Қуйма ҳалқалар туфайли эпи- ва гипотекада белбоғли ҳалқа пайдо бўлди. Септа гўё хужайрани ярмига бўлиб, унинг бўшлиғида тўлиқ бўлмаган бўлинма ҳосил қилди. Сув объектларининг кимёвий таркиби ва бактериал шаклидаги ўзгаришлар диатомларнинг тузилишида маълум морфологик силжишларга олиб келди, бу эса ўз навбатида сувнинг ифлосланиши мезонларидан бири бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Шу муносабат билан биз тадқиқотнинг ушбу босқичида йилнинг турли даврларида Душанбе шаҳридаги сув ҳавзаларида мавсум ва сувнинг ифлосланиш даражасига қараб, диатомли планктонларнинг мавжудлиги ва таркибинининг шунингдек, уларнинг морфологик тузилишининг ўзгариш қонуниятларини аниқлашни мақсад қилиб қўйдик.

Тадқиқотларимиз йилнинг турли даврларида ва ҳар бир сув ҳавзаларида диатом планктонларининг таркибий тузилиши бир хил эмаслигини кўрсатди.

Ўрганилаётган сув ҳавзаларидан олинган сув намуналарида диатомларнинг энг кўп миқдори ёз-куз даврида (июндан ноябргача), энг кам миқдори эса қиш-баҳор ойларида учрайди.

Диатом планктонларининг ҳар бир алоҳида турини таҳлил қилишда қуйидаги қонуният аниқланди: энг муҳими, ўрганилган сув ҳавзаларида

*Naviculla* va *Tabillaria* диатомлари топилди, ҳатто қишда ҳам уларнинг сони сезиларли даражада сақланиб қолган. *Gyrosigma* va *Pinullaria* турларининг диатомлари эса нисбатан кам сонли бўлди.

Диатомларнинг умумий сони сув ҳавзаларининг ифлосланиш даражасига ҳам боғлиқ эканлиги аниқланди. Шундай қилиб, энг ифлосланган Варзоб ва Кофарнихон дарёларида *Naviculla* va *Surilla* диатомлилар сони кескин кўпайган, *Gyrosigma* va *Pinullaria* турларининг диатомлари сони кескин камайган. Бундан ташқари, ўрганилаётган планктонларнинг морфологик хусусиятлари сув ҳавзаларининг ифлосланиш даражасига қараб ўзгариб турди.

Кўрсатиб ўтилган маълумотлардан келиб чиқадиган бўлсак, энг ноқулай сув ҳавзаларида (санитария-гигиена меъёрлари бўйича) - Варзоб, Такоб, Кофарнихон ва Лучоб дарёларида ўрганилаётган диатомларнинг морфологик тузилишида ўзгариш (ёки силжиш)лар кузатилди.

Масалан, Варзоб дарёсидан *Naviculla* тури диатомларида доимий равишда қобикнинг юпқалашиши ва унинг ёрилиши кузатилган. Қобик эпитекаси тартибсиз овал шаклга кириб, қават бурмалари нотекис ва зигзаг шаклида эканлиги, шунингдек, кўп ҳолатларда қобик белбоғи йўқ эди. Қопқоқларнинг тузилиши кўпинча ғовак каналлар ва шиллик ғоваклар кўринишида ривожланади ва қобикда кўплаб ўсимта ва бошқалар қайд этилди. Биз бошқа ўрганилаётган диатомларда ҳам худди шундай ва кучли ўзгаришларни Кофарнихон, Такоб ва Лучоб дарёларида кузатдик.

Шундай қилиб, Душанбе шаҳридаги сув ҳавзаларида мавжуд диатомларнинг тузилиши умумий объектив қонуниятларга асосланган бўлиб, асосан, доимий равишда учраб турадиган 7-8 турдаги диатомлар мавжуд эканлиги аниқланди. Турли сув ҳавзаларида уларнинг нисбати бир хил эмаслиги ва диатомлар сони мавсумга қараб ўзгариб туради.

Сув ҳавзасининг кимёвий таркиби ва ифлосланиш даражаси ҳар бир диатом турининг морфологик кўринишида патоморфозни келтириб чиқаради. Бундан ташқари, диатом планктоннинг миқдори ва тузилиши сув ҳавзаидан



сув олиш чукурлигига боғлиқ.

Баҳор мавсумида Лучоб ва Кофарнихон дарёлари ҳавзаларининг турли чукурликлари юзасидан (тепасидан), ўртасидан ва пастки (туби) қисмидан сув намуналари олинди.

Чучук сувда яшовчи синфга мансуб диатомлар *Naviculla*, *Tabillaria*, *Symbella* ва бошқаларнинг учраши вегетация даври сув ҳавзалари юзасида узоқроқ давом этади ва шунинг учун биз уларнинг кўпроқ қисмини сув манбасининг ўрта ва юқори қисмидан олинган намуналарда аниқладик.

Масалан, *Naviculla* кўпроқ дарёда топилган бўлиб, Лучоб дарёсининг пастки туб қисмидан (15,8%) олинган намуналарга қараганда дарёнинг "юзасидан" (23,6%) олинган намуналарда *Naviculla* нинг аниқланганлигини эътироф этишимиз мумкин. Шу билан бирга, биз сув ҳавзаларининг пастки туб қисмидан ёки ўртасидан олинган сув намуналарида марказлашган синф диатомларини (*Melosira*, *Symbella*) кўпроқ кузатдик. Масалан, *Melosira* Кофарнихон дарёси тубидан олинган 12,7% сув намуналарида топилган бўлиб, дарё юзасидан олинган сув намуналарида эса улар умумий планктон миқдорининг атиги 1,9%ини ташкил қилди.

Шундай қилиб, сув ҳавзаининг турли чукурликларида диатом планктонининг миқдорий таркиби турлича бўлиб, бу планктон тури ва сув ҳавзаининг ифлосланиш даражасига ҳам боғлиқ бўлиши мумкин. Зеро, суд-тиббий экспертиза текширувлари учун олинадиган сув намуналари сув ҳавзасининг турли жойлари ва чукурликларидан олинishi лозим.

## CONTENTS

### CEMICAL

**To'rayeva Gulnoraxon Nosirovna, Boqiyev Jahongir Nodirjon o'g'li** – Guanidin, Benzimidazol hosilalari va Polivinilxlorid (PVX) turg'unligini oshirish.....3

### HISTORY

**Мустафоев Бехрузбек Бахтиёрович** - Медицина, химия, биология в эпоху Мусульманского Ренессанса.....7

### LITERATURE

**Tursunova Matluba Musulmankulovna** - Flora imagery in zulfiya's poetry .....14

### MEDICINE

**Ergasheva Nargiza Nasriddinovna, Yuldasheva Gulkhayo Ismoiljanovna** - EEG as a component of a comprehensive assessment of brain maturity in children born prematurely with extremely low, very low and low birth weight.....18

**Илхомова Х.А., Жумабоева Дилрабо** - Особенности физического развития маловесных детей.....21

**Максудова Л.М. Бабаханова Д.М. Инагамджанова Ш.Б.**- Сравнительный анализ влияния различных этиологических факторов на развитие постожоговой кератопатии.....23

**Назиров Сирожиддин Назирович, Бахриев Ибрагим Исомадинович** - Душанбе шаҳридаги айрим сув ҳавзаларининг планктон алгофлораси.....27

**Хайдарова Феруза Алимовна, Кенджаева Камила Шамухтаровна, Алиева Анна Валерьевна** - Уровень витамина B12 у пациентов с диабетической полинейропатией.....31

**А.Н.Акбаров, М.О.Абдукадиров** - Характеристика микробиоценоза полости рта онкологических больных при протезировании различными конструкционными материалами.....33

**Камалов Т.Т., Хайдаров М.О., Мирзаев К.К.** - «Значение активации ренин-ангиотензин-альдостеронов системы в патогенезе поздних осложнений сахарного диабета 2 типа у больных с синдромом диабетической стопы и хронической сердечной недостаточностью»...35

### PEDAGOGY

**Guljakhan Seytniyazova Mirzalagievna, Bazarbaeva Adduniya Anvarovna** - Innovative ways of teaching articles “a, an, the” to Uzbek and Karakalpak learners.....38

**Икрамова Любовь Олеговна** - Роль литературного наследия в нравственном воспитании учащихся.....41

**Хакимов Зоҳид Абдуллаевич, Ollaberganova Muyassar Davlatboy qizi, Ravshanqulov Abbas Ravshanqul o'g'li** - Применение современных цифровых образовательных ресурсов в общеобразовательных школах.....44

**Ҳайитова Ирода Илхомовна** - Аҳборот таълим муҳитида талабаларнинг мустақил ишларини масофадан ташкил этишининг ўзига хос хусусиятлари.....51

### PHILOLOGY

**Abdumalikova Fotima Abdumutalib qizi** - The importance of lesson planning in teaching foreign language.....57

**Kurbanbayeva Mohira, Djumambetova Gulziba** - Xursandchilikni ifodalovchi o'zbek va ingliz iboralarining qiyosiy tahlili.....60

**S. Shermamatova, M. Husanova** - Idioms about medicine and health.....63

**Tursunbayeva Dilnavoz Bakhtiyor qizi, Isroilova Dildora Mukhtarovna** - The concept of gender and its development.....67

**Асанова Насиба Юлдашевна** - Синонимы в лингвистике.....72

**Султонова С. Х.**- Дистанционное обучения РКИ в Узбекистане: плюсы и минусы.....76

|  |    |
|--|----|
| <b>Утамбетова А.Ж.</b> - Этапы зарождения историко-эпических произведений в творчестве бердаха.....  | 88 |
| <b>Х.Утемуратова</b> - Исследование творческой лаборатории писателей.....  | 91 |
| <b>Turdaliyeva Shakhnoza Uktamovna, Eshkuvatova Xurshida Erkinovna</b> - Semantic classification of mental verbs in a russian and uzbek languages..... | 94 |

#### **STATE AND LAW**

|  |     |
|--|-----|
| <b>Урманбаева Ферузахон Саттаровна</b> - Васий ва ҳомийларнинг васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахснинг мулкый манфаатлари таъминлаш борасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларининг таъминланиши..... | 99  |
| <b>Муханов Саидбек Бахрамович</b> - Соглашение о признании вины: понятие и морально-нравственная сторона.....  | 105 |

#### **TECHNOLOGY**

|   |     |
|---|-----|
| <b>Буланов А.К., Буланов И.А., И.Каримов</b> - Вопросы эффективной очистки систем увлажнения офсетных печатных машин .....  | 109 |
| <b>Mengliyev Ali Saykonovich, Bobomurodov Urol Chorievich, Sodiqova Dilorom Sodiq qizi</b> - Impacts of Enriching Growing Rabbit Diets with Chlorella vulgaris..... | 115 |
| <b>Shakarov Qulmat Ashirovich, Izbosarov Lochinbek Sotivoldi o'g'li</b> - Pochta aloqasi sohasida autorsoring xizmatlarini ko'rsatish va xorij tajribasi.....       | 118 |